

- истеъмолчи учун шартнома хажмларидан ортикча олинган газ киймати 2 коэффициент билан оширма тулов ундирилади. (Узб.Респ. В.М.нинг 132-сон қарори асосан)

2.8. «Истеъмолчи»да захира ёқилғисини ёқиш тизими бўлиши, захирани иситиш мавсуми бошланишидан олдин тўлдириб қўйиши ва кузги-қишки даврда ёқи газ танқислигида, авария ҳолатларида қорхонанинг бир маромда ишлаши учун захира ёқилғисини жамлаб қўйиши керак.

«Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат.дан юқори қувватли қозонхона қурилмалари газ ёқилғиси етказиб беришдаги узилишларни ҳисобга олган ҳолда, 2 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ёқишга мўлжалланган захира ёқилғиси хўжалигига (СниП –2-35-76) эга бўлиши, «Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат. дан кам қувватли, 1-тоифага қирувчи қозонхона қурилмалари авария ёқилғисига эга бўлиши керак.

2.9. «Истеъмолчилар» шартномага мувофиқ равишда белгиланган муддатларда газдан фойдаланишни тўхтатадилар ҳамда икки томонлама далолатнома тузиб, газ таъминотининг қурилмаларининг ўчириладиган қисмларини тамғалаш ёқи пайвандлаш йўли билан газ тармоғидан учиритиш учун «Таъминотчи» ўз вақилини юборди.

2.10. «Истеъмолчи» газ ҳисобини олувчи хўжалик ҳисобидаги газ ўлчаш тармоқлари (узеллари) ва ҳисоблагичларини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ва текширувдан ўтказиш ГОСТ 8.563-97 талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди.

2.11. Газ истеъмол қилувчи жиҳозлар, ГТП (газ тақсимлаш пункти) ва газ ҳисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сақланиши, ҳамда уларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш учун «Истеъмолчи» қорхона раҳбарлари жавобгардирлар.

2.12. «Истеъмолчи»нинг хўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш ускунаси ҳисоблаш ҳатолиги ГОСТ 8.563-97 нормаларига мувофиқ бўлган газ ҳисоблаш тармоғи ҳисоб-китоб учун яроқли деб ҳисобланади.

2.13. Агарда, «Истеъмолчи»даги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мос келмаса, «Истеъмолчи»даги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз бўлганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд бўлмаганда ҳудудий газ таъминоти қорхонаси томонидан етказиб берилган газ микдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз бўлган вақтда шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади (Ўз.Р ВМ 08.01.2004й. 9-Қарори таҳриридаги банд) яъни, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи қурилмаларнинг энг юқори газ сарфи қувватида, кунига 24 соат иш тартибда ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» даги газ ҳисоблаш мосламаси ГОСТ 8.563 – 97 ва Ўзбекистон Республикасининг шу турдаги газ ҳисоблагичлар учун бошқа ГОСТларга мос ҳолга келтирилганига қадар амал қилади. «Истеъмолчи» бунга норозилик билдирса, камчиликлар бартараф қилинганга қадар «Таъминотчи» уни газ таъминотидан бутунлай узиб қўйишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида қўрилган истеъмолчилар бундан мустаснодир) .

2.14. «Истеъмолчи» ўз ҳисоблагич хотирасидан мунтазам равишда ҳар ой тузатиш қиритувчи (блок коррекция) дан олинган архив маълумотларини ёқи қундалик фойдаланилган газ сарфини ёзувчи дафтари билан тасдиқланган ҳисоблагич кўрсаткичларини «Таъминотчи»га ҳисобот оғи тугаши билан тақдим қилиши шарт.

Электрон газ ўлчагич кўрсаткичлари архив маълумотлари (распечатка) «Истеъмолчи» томонидан даъво муддати мобайнида яъни, 3 йил сақланиши шарт. (Уз.Р. ФК. 150-модда)

2.15. «Таъминотчи» вақили ҳар ойда «Истеъмолчи» билан биргаликда газ босими ва ҳароратига «Таъминотчи» сифат лабораторияси томонидан берилган тузатишларни электрон ҳисоблагич кўрсатмалари бўйича қиритишлари керак.

2.16. Газ ҳисоблагич ёрдамида газ ҳисоблаш мосламасидан фойдаланганда «Истеъмолчи» қўйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

- газ босими ва газ ҳисоблагичнинг ҳисобга олувчи қисми атрофидаги ҳавонинг ҳарорати ҳисоблагични ишлаб чиқарган қорхона- заводнинг ҳисоблагични ишлатиш талабларига мос қилиши керак;